



Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш  
комиссиясининг илмий-ахборот маркази

**«Фермер хўжаликлари даласида сувнинг  
маҳсулдорлигини ошириш» лойиҳаси**

**НОРИН-ҚОРАДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА  
БОШҚАРМАСИ**

**Фермерларга маслаҳат кўрсатиш хизмати**

**СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ ШАРОИТИДА ФЕРМЕР  
ХЎЖАЛИКЛАРИДА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН  
САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН  
ТАВСИЯЛАР.**



## **Сув тақчиллиги шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари**

Ҳозирги кунда бутун ер юзида, айниқса, Орол бўйи минтақасида сув захираларининг танқислиги муаммоси сувнинг жуда кўп мақсадларда ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг қўламда ишлатилиши натижасида янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу шароитда сувнинг ҳар бир томчисидан имкон қадар самарали фойдаланиш тақозо этилмоқда. Бу талаб, айниқса, сувни энг кўп истеъмол қиладиган соҳа – қишлоқ хўжалиги соҳаси учун ўта долзарбдир.

Сув тақсимотини ва сувдан фойдаланишни такомиллаштириш йўналишида изланиш олиб борилаётган илмий иш тажрибасидан келиб чиқиб, сув тақчиллиги шароитида ушбу табиий ресурсдан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича бир қатор хулосалар қилинди. Тажриба ўтказиш мақсадида Булоқбоши тумани Жўраполвон СФУдаги “Толибжон” фермер хўжалиги танлаб олинди ва ушбу фермер хўжалигининг тупроқ шароити, мелиоратив ҳолати, сизот сувларининг сатҳи, тупроқ қатлами сув-физик хусусияти, қайси гидромодул районида жойлашганлиги, даланинг рельефи, нишаблиги ўрганиб чиқилди.

Жорий сув тақчиллиги йилида таҳлил қилиб чиқилган хулосалар асосида сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар тавсия қилинмоқда.

### **Сув тақчиллиги шароитида сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича ТАВСИЯЛАР.**

#### **1. Фермер хўжаликлари миқёсида (далада):**

- 1 Экин майдони, рельефи имконият даражасида текисланиши лозим. Яхши текисланган майдонда суғориш ишларини ташкил этиш қулай бўлади ва сув кам исроф бўлади. Бошқа агротехник тадбирлар ҳам яхши текисланган майдонларда сифатли бажарилади;
- 2 Экин майдонининг суғориш схемасини тўғри ташкил этиш, тик ўқариқлар миқдорини ернинг паст-текислигига қараб кўпайтириш, суғориладигон эгатлар узунлигини 60 см схемада 60-70 метрдан, 90 см схемада 80-100 метрдан оширмаслик ҳамда ҳар бир эгатдаги сув сарфини 0,25 – 0,30 л/сек дан оширмаслик мақсадга мувофиқдир;
- 3 Фермер ўз ер майдонининг тупроқ, иқлим шароитини, экинларнинг қачон ва қанча миқдорда сув истеъмол қилишини ўрганиб олиши лозим;
- 4 Сувдан қисқа муддатда самарали фойдаланиш учун малакали сувчилар сонини кўпайтириш ҳамда тунги суғоришни ташкил этиш лозим;

- 5 механик таркиби оғир бўлиб, 60 см схемада экилган ғўзага 1-сувни, сув тақчиллиги шароитида эса 2-сувни ҳам эгат оралатиб берилгани маъқул, суғориш муддати 24-30 соатдан оширмаслик лозим;
- 6 суғориш даврида экинга таралган сув сарфини имконият даражасида кўпроқ назорат қилиб туриш керак, акс ҳолда сув эгатларнинг бирида оқиб, бирида оқмай қолиши ёки битта эгат боши бузилиб, 3-4 та эгатдаги сув битта эгатга оқиши натижасида экин бир текис суғорилмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда экинга яна сув тузашга тўғри келади, сув эса исроф бўлади;
- 7 пайнов сувларини имкон даражасида чиқармаслик, айниқса, минерал ўғит берилиб суғорилаётганда бунга катта аҳамият бериш керак;
- 8 суғориш ишларини белгиланган муддатларда ва энг оптимал меъёрларда берилиши лозим, бунинг учун суғориш муддати аниқлашнинг анъанавий усулларидан фойдаланиш мумкин. Яъни, пахта далаларида кундузги соат 14:00 дан 15:00 оралиғида ғўза барглари синдириб кўрганда қарсилламаслигидан, барглarning ранги оч яшил тусга кириб ғўза гуллари энг юқоридаги барглardan кўра юқорига чиқиб кетишидан, тупрокни сиқимлаб кўрганда ёйилиб кетишидан ғўзанинг сувга бўлган талабини билиш мумкин;
- 9 суғоришни ташкил этишда эгатлар айнан суғоришдан олдин олинса, намликнинг камайиши йўқолади;
- 10 сув танқис йиллари минерал ва маҳаллий ўғитлар ғўза гуллашигача бериб бўлингани мақсадга мувофиқдир;
- 11 далада тракторнинг кўп юриши ҳисобига тракторнинг орқа ғилдираги юрган эгатларда тупроқ зичланиб қолади, натижада шу эгатларда сув тез оқиб чиқади, ушбу эгатлардаги сув сарфи бошқа эгатлардагига нисбатан камайтирилиши лозим;
- 12 суғоришдан кейин ер етилиши билан қилинган культивация тупроқдаги намликни узоқроқ муддатга яхши сақлайди;
- 13 ғўза 1- ва 2- чинбарг чиқарган пайтда дарҳол ягона қилиш, бегона ўтлардан тозалаш экинни сувга бўлган талабини камайтиради;
- 14 сув тақчилиги шароитида ариқлар тозаланиб, сув иншоотлари таъмирланиб, уларнинг самарадорлиги оширилиши даркор, чунки ўт босган ариқда сувнинг оқиши секинлашиб, сув исрофгарчилиги ортади;
- 15 фермер хўжалигига олинаётган сувнинг аниқ ҳисобини юритиш учун ҳар бир сув олинаётган кулоқ бошига сув ўлчаш иншоотлари қурилиши даркор;
- 16 далада ўтказиладиган агротехник тадбирларни ва суғориш ишларини ташкил қилишни СФУ бўйича амалга ошириладиган сув тақсимоти ва сув бериладиган муддатларга мослаштирган ҳолда амалга оширилиши даркор.

## **2. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси миқёсида:**

- 1 фермерлараро сув тақсимлаш принципини СФУнинг умумий йиғилишида келишиб олинishi зарур;
- 2 СФУ тасарруфидаги насос станцияларнинг иш графикларини тузиб олиш ва СФУнинг умумий йиғилишида тасдиқлатиш;
- 3 барча сувдан фойдаланувчиларнинг сувдан фойдаланиш режалари ва лимит тақсимотлари ишлаб чиқилиши ҳамда СФУ ва фермерлар ўртасида сув етказиб бериш бўйича шартномалар тузилган бўлиши лозим;
- 4 сув тақсимотида қатъий тартиб ўрнатиш зарур;
- 5 барча фермер хўжаликлари чегарасида сув ўлчаш ускуналари ўрнатилган бўлиши лозим;
- 6 тунги суғоришни ташкил этишга катта эътибор бериш керак;
- 7 барча фермерлар ўзларининг сувчиларига етарли шарт-шароитларни яратиб беришлари керак (резина этик, тунги ёритиш фонарлари, иссиқ овқат ва ётоқ, ҳаттоки, иш хақи ҳам аниқ тайин қилинган бўлиши лозим);
- 8 юқорида айтилган шароитлар СФУ ходимларига ҳам яратиб берилиши керак, участка мироблари велосипедга эга бўлиши ҳам муҳим омилдир;
- 9 ташкилий сув йўқотишларини (организационные потери) олдини олиш лозим;
- 10 бир даладан чиқаётган пайнов сувларни кейинги далага ёки фермер хўжалигига суғориш учун олиб берилишини ташкил қилиш;
- 11 фермер хўжаликлари билан ҳар бир сув олиш нуқтасида сувнинг олди-берди журналларини юритишни ташкил этиш;
- 12 сув тақсимлаш иншоотларини таъмирлаш ва яхши ишлашини ташкил қилиш;
- 13 фермерларга бериладиган сув олиш нуқталарини имкон даражасида ернинг рельефига қараб камайтириш лозим;
- 14 сувдан фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш.